



Мўмин эрка мўмина аёлни ёмон кўрмасин. Ундаги бир хулқни ёқтирмаса, биридан [ёки бошқасидан] рози бўлади

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мўмин эрка мўмина аёлни ёмон кўрмасин. Ундаги бир хулқни ёқтирмаса, биридан [ёки бошқасидан] рози бўлади», дедилар».

[Саҳиҳ] [Имом Муслим ривояти]

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам эрни ўз аёлига нисбатан адоват сақлашдан қайтардилар. Бундай нафрат аёлга нисбатан зулм қилишга, уни қаровсиз ташлаб қўйишга ёки ундан бутунлай юз ўгиришга сабаб бўлмаслиги лозим. Зеро, инсон зоти нуқсон ва камчиликлар билан яратилгандир. Агар эр аёлининг бирор ёмон хулқини ёқтирмаса ҳам, албатта, унда бошқа бир гўзал фазилатни топади. Шундай экан, ўзига маъқул келган яхши хислатлардан мамнун бўлиши, кўнглига ёқмаган камчиликларга эса сабр қилиши лозим. Мана шундай муносабат уни сабрли бўлишга ундайди ва ажралиб кетишга мажбур қиладиган даражада нафратланишдан асрайди.

<https://www.sunnah.global/hadeeth/uz/show/3071>

